



ПОСБОНЛАРГА ТАШАККУР

Жумҳурият ички ишлар ходимлари ҳозирги оғир шароитда қийинчиликларга қарамай катта ишларни амалга оширмоқдалар. Сўнгги пайтларда жумҳуриятимиз ҳудудларида фаолият кўрсатиб келган бир қанча жиноий гуруҳлар йўқ қилинди. Тошкент шаҳри ва вилоятда фуқароларга ўз ҳукмдорлигини ўтказмоқчи бўлган, жиноятчилар орасида ном қозонган кимсалар, буюртма билан одам ўлдирувчи бир гуруҳ қотиллар ҳибсга олинди. Энди уларни оғир жазо кутмоқда.

Албатта, бу ишлар жиноятчиликка қарши бошланган курашнинг дастлабки натижалари, ҳоло. Асосий иш эса ҳали олдинда. Бизнинг тинч яшашимизга ҳалақит бераётган ҳар қандай кишилардан ҳалос бўлишимиз зарур. Бу юмушни бажаришда эса жамоатчилик бизни қўллаб-қувватлаб турса бас.

Кейинги пайтларда кўпгина фуқаролар милиция ходимлари ишидан хурсанд бўлиб, ташаккурномалар билдирмоқда. Яқинда шундай мактублардан бири жумҳуриятимиз ички ишлар вазири милиция генерал-майори Зокир Алматов номига келган эди. Уни Фарғона вилоятининг Риштон тумани «Оқ олтин» қишлоқ шўроси ҳудудида яшовчи Аҳмадали Олимов ёзган.

«Мен Риштон туманидаги матлубот жамиятига қарашли 22-аралаш моллар дўқонида мудирлик қиламан. Авваллари милиция иши билан ҳеч қизиқмаганман. Бироқ, яқинда бўлиб ўтган бир воқеа сабаб бўлиб бу касб эгалари фаолияти билан та-

нишдим, шундагина милицияда ватаним, халқим дегувчи кишилар ишлашига ишондим.

Гап шундаки, 1 октябрга ўтар кечаси номаълум кимсалар мен мудирлик қилаётган дўқон ойнасини синдириб, ичкаридан 5530 сўмлик буюмларни, дўқон яқинига бойлаб қўйган икки бош молимни ҳам олиб кетишган. Мен бу ҳақда Риштон тумани ички ишлар бўлимига хабар қилдим.

Зум ўтмай ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари Абдумутал Қундузов бошчилигидаги гуруҳ етиб келди. Улар шу заҳотиёқ қидирув ишларини бошлаб юборишди. Уастка вакили Собиржон Астанов, терговчи Тожиали Мамадалиев, жиноят қидирув бўлинимаси бошлиғи Абдуҳаким Тошматов, оператив вакил Тоҳиржон Маҳмамов ва кинолог Эргашали Анратовларнинг ишбилармонлигидан ҳайратда қолдим. Улар 18 кун деганда жиноятчиларни қўлга тушириб, ўғирланган давлат мулкни ҳамда менинг иккита молимни қайтаришди.

Бу тadbиркор ходимлар шу билан тинчимадилар. Улар жиноятчиларнинг аввал Охунбобоев тумани ва Марғилон шаҳри ҳудудларида содир этган яна бир қанча ўғирликларини ҳам фош этдилар.

Мен юқорида номлари қайд этилган посбонларга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Раҳмат сизларга».

Жиноятчилар қабиҳлика қўл урадиларда, бир зумда сомонга ташланган игнадек ғойиб бўладилар. Бироқ уларни қидириб топилганда Аҳмадали ака айтаганидек тажрибали ходимлар доимо тайёр.

И. МИНАВВАРОВ.



Сиз суратда кўриб турган милиция старшинаси Найманбой Нурхонов ўзининг ҳалол меҳнати билан кўпчилик ҳурматига эришганлардан. У ҳозирги пайтда Пскент тумани ИИБда навбатчи ёрдамчиси вазифасида ишламоқда. Навбатчилик қисмига тушган ҳар бир хабарга эътибор билан қараб, тезлик билан оператив гуруҳни воқеа содир бўлган жойга жўнатиш, жиноятларни излар совумасдан туриб очирилишида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса навбатчилик бўлими ходимларидан туну-кун зийрак бўлиб туришни талаб этади. Н. Нурхонов ана шундай ходимлардан биридир.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

«ҚИСКА САТРАЛ»ДА ФАРҒОНА

ТАЙЁРГАРЛИК

Матлубот жамиятига қарашли озиқ-овқат дўқони мудир И. Аминов очарчиликка ўзича тайёргарлик кўрди. У 102 қоп ун, 127 минг 352 сўмлик ароқни яшириб қўйди. Очарчиликни ароқни ичиб олиб, кайф билан кутишни орзу қилган бўлса ажабмас.

ТЎХТАМАЙДИГАН БЎЛДИ

Қувасой шаҳар «Бинокор» ширкати раиси Н. Бозорбоев 300 донна шифернинг ҳар донасини 21 сўмдан пуллаётганда қўлга тушди... Афсус, олувчининг уйдан яна келаси ёзгача чакка тўхтамайдиغان бўлди.

ЯХШИЯМКИ...

Марғилон умумий овқатлаш трестига қарашли 8-дўқонча сотувчиси М. Исмоилов 56 тийинлик нонни сотаётиб харидор ҳақидан 33 сўм 44 тийин уриб қолди. Яхшиям у машинами ёки қимматроқ бирор нарса сотмагани. Бўлмаса...

ОЗИГА

КЎНМАЙДИ

Ўзбекистон туманидаги «Пахтақайнар» жамоа хўжалигининг катта чўпони К. Тожиев 171 бош қўйни камомад қилди. Буни пулга қаққанда 452 минг сўм бўлар экан. Ҳа, энди чўпонлар ҳам камига кўнмай қўйишди.

М. КИМШАНБОВ,
Т. АШУРОВ,
милиция майорлари.

ЎЗГАГА ОЗОР ЕТМАСИН

Эрталаб уйдан ўқишга, ишга отланиб чиқаётган ҳар бир киши эсон-омон оила бағрига қайтиш ниятида бўлади. Ҳеч ким фалокатни олдиндан кўра билмайди. Йўл эса табиийки, тасодифларга тўла. Кимдир ичиб, маст ҳолда улов бошқаради, яна кимдир тезликни метёридан ошириб, ўзгалар умрини хазон қилади. Айримлар улов рулини биринчи марта ушлаб, ўзини синаб кўрмоқчи бўлади.

Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида яшовчи Н.

Отажонов ёш эмасми, катта тезликда мотоциклин учуриб борарди. Рўпарадан келаётган Б. Полванов ҳам «учар»лардан экан. Икки ёш тўқнашиб, воқеа жойида ҳаётдан барвақт кўз юмишди.

Содир этилаётган автоҳалокатнинг кўпчилиги мотоцикл ишқибозлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Агарда содир бўлган йўлдаги кўнгилсизликлар таҳлил қилинса, қуйидаги ҳолатлар бош сабабчидир. Яъни маст ҳолда улов бошқариш, тез-

ликни ошириш, қувиб ўтиш ва тажрибасизлик.

Бунинг устига йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун белгиланган жазо тadbирлари ҳам ниҳоятда бўш.

Масалан тезликни оширган ҳайдовчига 10 сўмгина жарима солинади. Пулнинг қадри кунма-кун, соатма-соат тушаётган бир пайтда бу кулгили эмасми? Оқибати яхшилик билан тугамаслиги аниқ бўлган бу қоидабузарликка нега қаттиқроқ чора кўриш мумкин эмас?

Яна бир мисол. Маст ҳолда автомашинани бошқарган ҳайдовчига (мастлиги аниқланганда) 100 сўмдан 200

сўмгача жарима солинади, ёки бир йилдан уч йилгача ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Энди ўйлаб кўринг. Кайфи тарақ рулга ўтирган шахс ичган-ичмаганлигини текширадиган жойга етиб келгунича шенда юрадини? Ахир ҳар бир ҳайдовчини уй эшигидан текшириб уловга чиқаришмайди-ку.

Тўғри, инсофни ҳар кимнинг ўзига берсин. Ваҳоланки ҳайдовчилар ДАН ходимларидан қўрққани учунгина эмас, балки ўзгага озор, заҳмат етказиш гуноҳидан қўрқиб ичмасинлар. Афсуски, ҳозирча бунинг акси. Садафия ЛАЪЛИЙ.

ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН МЕҲМОН

Курган шаҳридан меҳмонга келган Владимир Чибанининг сафари қариб, юртига отланди. 11 октябрга чипта олиб, қўналгага келди. ШИ-208-рейсига чиқиш эълон қилинди. Бироқ текширувчилар «меҳмон»нинг юкини ўтказишмади. Владимир юртига нима олиб кетаётган экан денг? 20 та ўсмирлар, 25 та ёш болалар куртқасини. Давлат нархида 15 минг 500 сўмлик бу куртқаларни Курган шаҳрида сотганида 20 минг сўм соф даромад эгаси бўларкан.

Ушбу факт юзасидан жиноий иш кўзга тилди. У яшаган жойда тинтув ўтказилганда, «Стенка»; «меҳмонхона» йиғмаси, 9600 сўм пул, 47 та авиачипта топилди. Чипталарнинг ҳаммаси «Тошкент — Курган» йўналиши бўйича. Уларнинг 25 таси ишлатилган, 22 таси ноябрь охиригача бўлган мuddатга сотиб олинган.

Демак, Владимир Курганга 25 марта бориб келган. Ҳар борганида эса сиз билан бизга, болаларимизга зарур бўлган, кундузи чиқоқ ёқиб тополмаётган буюмларни олиб боргани аниқ. Агарда ҳар сафар 15 минг 500 сўмлик мол ташиган бўлса, ҳисоблаб кўрингчи, қанчани ташкил этаркин? Ярим миллионга яқин. Энди сал мушоадамизни кенгайтирайлик. Владимирга ўхшаганлар жумҳуриятимизда ягонами? Йўқ. Ҳа, ўзбекнинг қўли очлиги курсин, меҳмондўстлиги икки бора.

— Ҳозир бозор иқтисодиёти. Республикаларимиз бошқа-бошқа бўлса. Мени ушлашга ҳаққингиз йўқ, — дейди В. Чибанин сурбетларча.

Ўйлаб қарасак, кимдир республикамиз бошқа-бошқа деб, кимдир кичик корхона эгасиман деб, яна бировлар коммерсантман, шартномам бор, деб ноёб молларни олиб чиқиб кетаверса, ҳозирги тақчиллик тақчилликми, йўқчилликка тушиб қолмасмиканмиз ишқилиб.

Келаётган янги йил аждодларимиз мучали бўйича маймун йили. Айтинг-айтинг ҳолимизга маймунлар йиғламасинда.

М. ИБРОҲИМОВА.

КАБОБПАЗ КЎЙДИ

Тошкент денгизи бўйида жойлашган «Нилуфар» қаҳвахонаси хўрандалар билан гавжум. Кабоб ейиш илинжида навбатга турган Н. Холматов 20 сых олиб 30 сўм узатди. Кабобпаз 8 донна сыхни кейинроқ беришини айтиб 12 доннасини хўрандага бердию, қайтимини беришни унутди.

ОБХСС ходимлари текшириш ўтказганида харидорнинг 2 сўму 40 тийинга алдаган И. Жамоловнинг мисси чиқди.

И. Жамолов Уртачирчиқ туман халқ судининг ҳукмига кўра 350 сўм жарима тўпайдиган бўлди.

Ҳ. МАҲМАМОВ.

ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

камёб ва қимматбаҳолари билан. У албатта кейинги пайтларда «ят» деган сўздан кўра «бизнес» деган сўзга яқинлашиб қолган чайқовчилик билан шунчаки ҳавас учун шуғулланмагандир. Е шароит мажбур қилган, ё боймоқчи

бўлган, ишқилиб кўза кунда синмайди.

Бўка тумани ИИБ ходимлари унинг бу жиноятига чек қўйишди.

И. ИСМОИЛОВ.

Иқтисодий тақчиллик тобора кучайгани сари жамиятимиздаги ижтимоий иллат деб аталмиш кўринишлар тобора кенг қулоч ёйиб бормоқда. Дам олиш кунлари Отчопарга чиқиб кўринг. Бу ерда нималар йўқ, дейсиз... Одамнинг жонидан бошқасини топиш мумкин. Ҳой-ҳой демаса уни

ҳам топишга уриниб кўрувчилар бор. Эгасининг ўлганига 20 йил бўлган этикдан тортиб, кечагина Покистондан келтирилган куртқагача — ҳаммаси чайқовда.

М. Ҳабибованиннг ўзига хослиги шундан иборат эдики, фақат газмоллар билангина савдо қиларди. Уларнинг ҳам

МУАММОЛАР

Урта Осиё транспорт ички ишлар бошқармасининг Каттақўрғон шаҳар темир йўл шоҳбекатидаги ИИБ жамоаси 8 та шаҳар ва туманга поездда келтирилган, тегишли жойларга жўнатилаётган халқ хўжалик юкларини талофатсиз, ҳужжатларда белгиланган ҳолда тушириб олишда ҳамда уларнинг талон-тарож этилишига йўл қўймаслигини таъминлашда сергаклик кўрсатмоқдалар.

Кўпчилик мулкига нўз тиккан фуқаролар ҳам учраб тураётганлиги осойишталик посбонларини ўз ишларига масъулият билан ёндашишга ундамоқда. Шу боис ҳам улар ана шундай ишламай тишлаётганлар билан курашни сира ҳам сусайтириванлар йўқ.

Бунга бўлим жамоасининг ўтган 10 ой мобайнида олиб борган ишлари

мисол бўла олади. Масалан, шу йилнинг 10 сентябрь кунини оператив ходимлар милиция капитанлари Қобул Қиличев ва Ғайбулла Асадовларнинг ҳушёрликлари туфайли 500 сўмлик эмаль

гумдон қилишга уринган 5 киши устидан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

Куйбишев шаҳри фуқароси Осадчук айни кунларда ноёб ҳисобланган сигареталар сотиш илнжида Катта

дейди бўлим бошлиғи милиция майори Иззатулла Неъматов, — милиция капитанлари Ғайбулла Асадов, Қобул Қиличев, милиция сержантларидан Олим Ҳамроев, Салом Саноев ва Сайдин Очиловларнинг катта хизматлари бор.

Биз бундан сўнг ҳам сергаклигини ошира бориб, эл мулкнинг дахлсизлиги, йўловчиларнинг озор чекмай манзилларига етиб боришларини таъминлаш йўлида астойдил хизмат қилаверамиз.

Ғайратжон ШУКУРОВ,
«Каттақўрғон ҳақиқати»
рўзномасининг бўлим мурдари.

СУРАТДА: милиция капитани Қобул Қиличев ёшлар билан суҳбатда.

Карим НОСИРОВ олган сурат.

СЕРГАКЛИК

ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ

идишларни ўғирлашга журъат этган қўли эгрилар ушланди.

Зирабулоқ шоҳбекатида 21600 сўмлик эл мулкни ўмариб кетаётган Усмон ва Эсон Султонов ва Маҳмудовлар йўли тўсилди.

Бундан ташқари Каттақўрғон темир йўл шоҳбекатида вагондаги 8 минг сўмлик шакарни ўғирлаб,

қўрғон шаҳрига келган экан. Ундан 5500 сўмлик сигареталар тортиб олинди. Иссиқ ўлкага сайр баҳонасида ташриф буюриб, ўзини энгил пул топишга урган кимса ҳатти-ҳаракати юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

— Юқорида тилга олинган ишларни муваффақиятли амалга оширишда, —

МАВСУМГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Тошкент вилоятида шу йилнинг ўн ойи мобайнида 1948 та йўл-улов ҳодисаси содир этилган. Натижада 415 одам ҳаётдан барвақт кўз юмди. 2184 киши турли тан жароҳатлари олди.

Қиш мавсуми кириши билан кўча ҳаракатида жиддий синовлар бошланади. Ёгингарчиликнинг биринчи кунидеяқ вилоятда 14 та йўл-улов ҳодисаси қайд этилган. Улар асосан малакасиз ҳайдовчиларнинг айби билан бўлган.

Тошкент тамаки фабрикаси ишчиси С. Тўлаганов ёмғирда йўлнинг сирпанчиқлигини инобатга олмаган. Оқибатда машинаси тойиб, йўл четидеяқ дарахтга урилган. Унинг йўловчиси ўша жойдаеяқ ҳаётдан кўз юмган, ўзи эса оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.

Қибрайлик М. Ҳакимов ширакейф ҳолда уловни бошқарган. Йўлнинг сирпанчиқлигига қарамай, тезликни оширган. Йўл чеккасидаги икки йўловчини уриб юбориб, бирининг ўлимига сабабчи бўлган. Иккинчиси эса шифонага жўнатилган.

Бекободлик У. Султонов ҳам қиш мавсумига жиддий тайёргарлик кўрмаган экан. 4 яшар Н. Эргашевани уриб юборди.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳар бир ҳайдовчига куйидагиларни таъкидламоқчимиз.

Йўллар қалин туман билан қопланганда ҳайдовчи уловини ўта ҳушёрлик билан бошқариши, ҳар бир сонияда ўзи бошқараётган машинани дарҳол тўхтатиб қолиш имкониятига эга бўлиши керак. Ҳаракат тезлигини камайтириши лозим.

Ёмғир ёққан пайтларда кетта йўлларга қишлоқ йўлларининг туташ жойларида ҳаракатланиш хавфли. Негаки, қишлоқ йўлларидан автоулов гилдираклари олиб чиққан лойлар асфальт йўлини ўта тайғоқ ҳолга келтириб қўяди. Мазкур ҳолларда улов рули ҳайдовчи ихтиёрига бўйсунмай қолиши мумкин. Рўпарадан улов келаяётган бўлса, ойна тозалашларни олдиндан ишлатиб қўйинг, чунки уловингиз ойнасига сачраган ифлос сувдан кўчани кўролмайд қилиш эҳтимолдан ҳоли эмас.

Зинҳор техник носоз улов билан кўчага чиқманг.

Ҳайдовчилик тажрибангиз бўлмаса ўзингиз ва бошқалар ҳаётини хавф остига қўйишдан сақланг.

Шунингдек, ота-оналар, ўқитувчиларнинг диққатини бир нарсага қаратишларини истардик. Болаларга йўл ҳаракати қондаларига риоя қилишларини қайта-қайта таъжидлашдан чарчамасинлар.

Абдукарим ҚУШБОЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАИБ ходими.

МИЛИЦИЯ ТАРИХИ МУЗЕЙИ ИШ БОШЛАДИ

Андижон милициясининг 50 йиллигига бағишланиб вилоят ички ишлар бошқармасининг катта залида тарихий музей очилди.

Музейнинг очилишида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси К. Ҳолмирзаев, вилоят фахрийлар Кенгаши раисаси Т. Каримова, ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари ҳамда бир гуруҳ милиция фахрийлари иштирок этдилар.

Музейга қўйилган Андижон милицияси ходимларининг босиб ўтган тарихий кураш йилларини акс эттирувчи расм ва ҳужжатлар, қурол-аслаҳалар милиция фахрийлари қалбига навқиронлик даврларини эсга солди.

Бошқа бўлимларда эса милиция ходимларининг Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида ва ватанимиз ичкарасида давлат мулкни талон-тарож қилиб, қўпурувчилик ишларини олиб борган унсурларга қарши курашлари акс этган.


Музейда, шунингдек, ҳозирги даврга мос оператив техника асбоб-ускуналарини учратишингиз мумкин. Маалакали ходимлар томонидан жиноятчилардан тортиб олинган юзлаб ўқотар ва совуқ қуроллар ҳам махсус витриналардан ўрин олган.

Вилоят милицияси тарихий музейини ташкил этишда ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция подполковниги А. Қазиев, ИИБ ходимларидан О. Йўлдошев, Ғ. Раҳимов ва бошқалар фаол хизмат қилдилар.

У. ХОЛИҚОВ,
Андижон вилояти ИИБ матбуот маркази ходими.

Суратларда: музейдан лавҳалар.

Суратларни Б. Клейман олган.



ТУНГИ ОШНАЛАР

Мактаб — илм маскани. Кундузи, албатта. Кечаси эса...

Паркент туманидаги 29-ўрта мактаб қоровули К. Жамоловнинг энсаси қотиб ўтирибди. Уйлаб қараса, нимани кўриқлаётми ўзи! Уқувчиларнинг баҳоси қўйилган синф дафтарларини бир нималар ёзилган китоблар, гул тувакларини бир неча пуччайиб ётган коптокларини! Бугун китоблар қоринни тўйғазмаса, ҳозирги шумтакалар копток ўйнашмаса. Ҳа, замон

дан орқадамиз, орқада. Лоқал бир-иккита компьютер бўлганида ҳам алам қилмасди-да.

Мудраб ўтирган мактаб қоровули эшик тақиллашдан ўзига келди. Тунги соат 12 ларда мактабни соғиниб, ўқувчилик йилларини кўмсаб келганлар оғайнилари С. Душаев, А. Мўминов, Х. Собитовлар экан.

Уртага ароқ қўйилди. Ичиб ҳам олишди. Арзимас гаплар ҳам энди юракларига нақ ўқ-

дек тегадиган бўлиб, бирининг овози иккинчисига ёқмай қолди. Энди навбат ўзро ҳақоратга берилди. Ким билади дейсиз, агарда А. Мўминовнинг ёнида пичоги бўлмаганида, эҳтимол муштлашиб, тарқалишардимиз! А. Мўминов С. Душаевга пичоқ ҳам урмасдимиз! Ҳайрият, қорувулнинг эсига телефон келиб қолди. Шундай даргоҳда қон тўкилди. Уша жойини минглаб ўқувчилар босиб ўтади.

Ҳа, мактаб — муқаддас даргоҳ. Кундузи, албатта... Кечаси эса...

Нур БАДИЯ.

«Поста» рўзномасида соқчилик хизматининг ёритилиши жуда яхши. Ҳозирги иқтисодий танглик вақтида, соқчилик хизматлари оғир кунларни бошдан кечирмоқда, десак муболага бўлмайди. Чунки улар кимларгадир ҳамон тобедирлар. Бунинг яна бир сабаби ушбу хизмат қонун-қондаларининг ҳозирги кун талабларига мутлақо зидлигидир.

Эътибор қилинг, қорхоналар ўз ҳудуди ва мол-мулкни қўриқлашти учун шартнома тузишади. Бу ҳужжат ҳар икки томоннинг келишувини билан асосан уч йилга мўлжалланган. Шартномани қорхона раҳбари ҳоҳлаган пайтда бузиши мумкин. Фақат 15 кун аввал бу ҳақда расмий хат йўлласса бас. Ваҳоланки мазкур жойини бир эмас, 4, 10, 15 ва 20 га яқин ходимлар қўриқлайди. Хўш, уларга 15 кун ичида қаердан иш топиб беришимиз керак? Маошини кимдан олиб, товон пулини қайдан топишимиз лозим?

Ана энди ялинишга тушамиз: «Кўйинг, аяхон! Ҳеч бўлмаганда йил охиригача ушлаб турайлик. Шўрликларнинг бола-чақаси бор». «Унда фалончи, фалончиларни алмаштиринг. Улар иш беришмаяпти». Аслида ўша иш бермаганлар раҳбарнинг ўғирлигига шерик бўлмаган, ҳалол хизматчилар. Аммо бу шартга кўнишга мажбуримиз.

Биргина шу йилнинг ўзида 5 қорхонанинг шартномани бузганлиги туфайли 15 киши ишсиз қолди. Елиб-югуриб, бир амаллаб ўзимизда олиб қололдик.

ИИБ «Қўриқлаш» бирлашмасидаги раҳбарлар ҳам штат қисқартиришининг осон йўлини топиб олишибди. Ходимнинг лавозимини пастлатиш штат қисқартиришга кирармиш?

1991 йилда 50 фоиз назоратчи лавозимини қисқартириш ҳақида кўрсатма олдик. Натижада 50% назоратчилар иш услуби, қўриқланаётган қорхона моҳиятига қарамасдан соқчи лавозимига ўтказилди. Оқибатда шундоқ ҳам кам маош олувчиларнинг ойликлари 20—30 сўмга камайди.

Соқчилик хизмати учун қорхоналардан олинадиган ҳақ ҳам нотўғри белгиланган.

Президентлик маҳкамаси 1990 йил декабрдаги 186—Р қарори билан 1 соатга 1 сўму 26 тийин белгиланган, бир неча миллион сўм оборот билан ишловчи қорхонани ёки минг сўм ишловчи кичик суратхонани қўриқлаш учун ҳам бир хил ҳақ тўланади. Шу сабабли бўлса керак, ўтган йили 20 дан ортиқ кичик савдо шаҳобчалари, аҳолига маншій хизмат қилиш устахоналари хизматимиздан воз кечди.

Масалан бизнинг Қува тумани ИИБ ҳузуридаги Соқчилик бўлимида 12 нафар хизматчи ва бир неча хизмат итларимиз бор. Бироқ қўриқлаётган объектларимиздан олаётган пулларимиз итларни боқувчи ва ўргатувчиларга ҳам етмайди.

Дуқонларда гўшт у ёқда турсин, макорон ҳам талонга топилмайдиган бир пайтда нима қилмоқ керак?

Янги йилдан яна штатда қисқариши мумкин. 15 та объектдан тушадиган 6000 сўм 8—9 нафар милиционергагина маош бўлади. Юқорининг кўрсатмаси билан 2 навбатчи офицер бошқа ишга ўтказилди.

Оқибатда ташвишгоҳ чақиригига бир милиционер, ҳайдовчи ва қўлга олиш гуруҳидан бир милиционер жўнайди. Агарда ўша жойда қуролли жиноятчилар бўлса-чи?

Соқчилик бўлималарига навбатчи офицер албатта керак.

Раҳимжон РАҲИМОВ,
Раҳимиддин НОРҚУЛОВ.

ОТАБЕЗОРИ

Бешкапа қишлоғилик Элбек энди ўн саккиз ёшга кираяпти. Қилган иши эса...

30 апрель куни бу йигит ўзининг қариндоши ва қишлоқдоши бўлиш Жаҳонгирнинг ҳовлисига ўғирликка тушади ва сайхонада турган «Восход-3М» белгили, давлат рақами бўлмаган мотоцикли олиб чиқиб, «Правда» жамоа хўжалигининг Қўлқишлоқ қишлоғида яшовчи ўртоғи Асаднинг уйига элтиб қўяди. Эртаси куни мотоцикли ўғирланганини кўриб, ундан гумон қилган Жаҳонгир отасини олиб уларникига боради. Элбекдан «ўғирлаган бўлсанг, топиб бер», деб сўрашади. Элбекнинг отаси ҳам улар тарафда эди. Уччаси уни кўп аврашади. Бирор натижа чиқмагач, қўл-оёғини боғлаб, ўғирланган мотоциклини топиб беришни талаб қилишади. Бошқа иложи қолмаган Элбек ўғирлик молнинг жойини айтишга мажбур бўлади.

Судда Элбек ўз айбига тўла иқрор бўлиб, бир сафар айбидан ўтишларини сўради.

Гувоҳ тариқасида сўралган судланувчининг отаси Муродилла Сатторов кўпчилиكنи ҳайратга солди:

— Бу менинг ўғлим бўлади, лекин у ҳақда яхши гап айтишим жуда қийин. Унинг оилада ўзини туттиши ёмон, ҳеч жойда ишламайди. Рўзгорга ёрдам бермайди. Менинг ва онасининг гапига мутлақо бўйсунмайди. Кечалари уйга келмайди.

Ўғлимни мен ўзим тарбия қила олмайман. Чунки у менинг гапимга кирмайди. Унга қанақа жазо бериш суднинг ўзига ҳавола.

Шундай пайтда кимнинг тарафини олишни билмай қоласан, киши. Ўз ўғлини тарбиялолмай, у ҳақда яхши гап айтишга тили бормай қолган отаними ёки ёлғиз суянчиги ва таянчи бўлиши керак бўлган отасини ҳам бездирган ўғилними? Замоннинг зайли билан шу даражага етиб келдикки, ота ўз пушти камаридан бўлган ўғлини ҳимоя қилиш, тарафини олиш ўрнига бунақа гапларни айтиб ўтирса. Ҳар ҳолда жиноятчи, ўғри, қотил бўлса ҳам ота ота-ю, ўғил ўғиллигича қолиши керак эмасми?

Нима бўлганда ҳам суд ўз ҳукмини чиқарди. Бунда судланувчининг ёшлиги, айбига тўла иқрорлиги, биринчи марта судланиши, етказилган зарарни қоплаганлигини ҳисобга олди.

Элбекни олдин терговдан, кейин суддан қочиб юргани, жамият учун фойдали меҳнат билан шуғулланмагани, ҳатто ўз ота-онасининг гапига кирмаслиги, қулоқ солмаслиги ҳам назардан четда қолмади.

Хуллас, бу отабезорига суд икки йил жазо муддати белгилади. Уни умумий режими ахлоқ тузатиш колониясида ўтади.

А. ТУНЧИЕВ,
Ургут тумани халқ судининг раиси.

ТАҲРИРИЯТДАН: маънавият иқтисодиётдан бошланади, деб тез-тез гапирадиган бўлиб қолдик. Шуниси ёмон. Ўқиган бўлсангиз олдинроқ ўз фарзандларини ўлимга маҳкум этаётган оилалар ҳақида ёзган эдик, ўз қизларини зўрлаган оталар ҳақида ҳам бир-икки хабарлар бердик. Иқтисодиёт деб нафақат қардошлик, балки қондошлик ришталарига ҳам дарз кетмоқда, назаримизда. Ҳақиқатнинг кўзига тик боқмоқ керак. Бугун она ўз фарзандини ўлдирса, бугун ота ўз ўғлини йўлга соломаса, бугун ота ўз қизини... Булар ҳаммаси ҳолва эканки, Ургутда ота ўзининг ўн яшар ўғлини... бу ёғини биз учун ёзиш оғир, бу ёғини сиз учун ўқиш жирканч... Агар қоғозга чидам берса, қаламга чидам, бардош, инсониятнинг бу пасткашлиги, ифлослиги ҳақида кейинчалик ёзишимиз мумкин. Ҳозирча эса... қийинчилик, тақчиллик ҳаммаси ўткинчи, бизни бу нарсалардан маънавият кўтаради. Агар уни мана шу расволикларга булғаб қўймасак.

Тошкент шаҳрида ўқувчи талабалар Чан Бао Чин, Нгуйэи Зуйг Шилар шу йилнинг 21 ноябрь куни кечга яқин Андижондан Тошкентга қайтишадиган эди. Улар чиққан автобус Киров тумани ҳудудида жойлашган Андархон поётида тўхтатилди.

Моддий-товар бойликлари олиб чиқиб кетилишини назорат қилувчи давлат инспекцияси ходимлари назорат чоғида бу икки меҳмон-талабадан 4730 сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган ҳар хил дори-дармонлар топишди. Маълум бўлишича улар бу нарсаларни Андижон шаҳридаги 53-дорихона сотувчиси Муяссархон Сотиволдиевадан олишган экан.

— Бу учинчи марта шундай юкни олиб кетишимиз, — дейишди суриштирув чоғида Чин ва Шилар. — Муяссархон билан яхши танишимиз. Бир неча бор уйларида ҳам меҳмон бўлганмиз. Дориларни эса ўз юртимиздаги беморларга олиб кетаёلمиз.

Ўзбекистонда ҳамма соғлигини билмаган эканмиз.

Яна билмаган эканмизки, уйда касал ётган боласининг қийналишларини кўриб бу дунёга сигмай кетаётганидан дорихоналарнинг эшигида саргайиб, сотувчининг ҳар қандай пўписасига чидаб, ўша зорманда чет элдорисидан топилаётгани, деб ўтирган ўзбек деҳқонининг асосий айби вьетнамлик бўлмагани, пули камлиги экан.

Муяссархон биздан ҳам яхшироқ биладикки, бу дори-дармонлар ўзбекистонликлар учун ҳам сув ва ҳаводек зарур, афсуски, унинг учун юртдошининг қувончидан кўра, пулнинг ҳиди яхшироқ.

Яна бир вьетнамлик —

МАМЛАКАТ БЕДАРВОЗА ЭМАС

Кўзлари очилармикан?

Тошкент шаҳридаги олий билимгоҳлардан бирида илмий ходим бўлиб ишловчи Ле Чеу Шон ҳам Фарғонадан анча-мунча юк билан кетаётганда қўлга тушди. У Бағдод ва Ленинград тумани кўпмолли дўконларининг заргарлик бўлими сотувчиларидан 64214 сўм 60 тийинлик тилла буюмлар олган экан. Шунингдек илмий ходим ўз юртдошлари учун 2000 сўмлик дори-дармонни Қўқон шаҳридаги дорихоналарнинг биридан устама нархда харид қилиб олиб кетаётган экан. Ёнидан яна 41792 сўм пул ҳам топилди. Бу меҳмон ҳам юқорида қайд этилган постда ушланди.

Киров шаҳрида яшовчи Валерий ва Дмитрийларнинг уст-бошлар билан савдо қилиши аниқланди. Улар 36 минг 530 сўмлик кийимларни олиб кетишадиган тўхтатиб қолинди.

Кишини ўйлантирадиган томони шуки, бу олибсотарларга нарса сотаётган сотувчилар, нахотки, ўз халқининг чўнтағидан ўмараётганини, ўз юртининг бойлигини сотиб, қадрсиз нарса — пулга эга бўлиб қолишадиганини билишмасе. Халқимиз «пул бўлди — кул бўлди» деб бежизга айтмаган. Бу ибора, айниқса «ҳозирги кунда ўз ифодасини тўлалигича топди. Ҳозир бу ибора ҳақиқатга шунчалар яқинки, шунини ўйласанг гоҳида даҳшатга тушиб ҳам кетасан, киши. Юртининг, ватанининг тилласини сотиб, бой-ётган кишини қайси қонун

ёки нуқтан назар билан оқлаш мумкин. Бойида ҳам ҳеч нарсага арзиманга қоғозга эга бўлиб қолаётганини айтсангизчи.

Халқимизнинг шусиз ҳам усти бут эмас. Айримлар эса кийимларимизни четга пуллаб юбориб қоғозга эга бўлиб қолаётганларига нима дейсиз? Четдан келганларга барибир. Иложини қилиб ҳозирги кундаги ортиқча даҳмаза — пулдан қўтилиб, ўрнига нимагадир эга бўлиб қолса бўлди-да. Инсофни ўзимизга берсин. Мана шундай, биродаримизга аталган дори-ларни пуллаб юбораверсак...

Энди ҳаммасига чек қўйилса ажабмас. Ҳар ҳолда бунақа ташиб кетувчиларнинг пойига болта урилаётгани аниқ. Биргина мисол, милиция подполковниги Ғанижон Комилов бошчилик қилаётган моддий-товар бойликларини олиб чиқиб кетилишини назорат қилувчи давлат инспекциясининг Фарғона вилояти ходимлари томонидан ўтган қисқа вақт мобайнида 5 миллион 462 минг 624 сўмлик мол-мулк четга олиб чиқиб кетилаётганда қайтариб қолинди. Буларнинг ҳаммаси бугунги кун учун энг керакли нарсалар бўлиб, ўз эгаларига қайтарилди.

Ўз элининг нонини туя қилаётганларнинг кўзлари қачон очиларкин?

М. КИМСАНБОЕВ,
милиция майори.

ПОСТ-ПАТРУЛ хизмати ходимлари зиммасига жамоат жойларида жиноятчилик ва тартиббузарликнинг олдини олиш вазифаси юклатилган. Буни дилдан ҳис этган Ленин тумани пост-патрул хизмати милиционерлари сидқидилдан меҳнат қилишиб, яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бунда, айниқса, уларнинг оператив ҳолат билан яқиндан танишиб бораётганликлари қўл келмоқда.

СУРАТДА: пост-патрул хизмати 5-взвод командири милиция капитани Бекмурод Нигбоев топшириқ бермоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.



САРОБГА АЙЛАНГАН ЁШЛИК

Дилмурод ўзининг жонажон ўртоғи Иброҳим (исмлар ўзгартириб берилди) билан саргузаштли қиссани яратиб мақсадда кўз остига олиб қўйган Бўка шаҳридаги 1-ва 2-суратхоналарга шу йилнинг 6 июль куни ўғирликка ту-

шишди. Бу ердаги анқонинг уруғи бўлган турли-туман қимматбаҳо фото-аппаратларни, суратга олишда асқотадиган зарур техник жиҳозларни, химикатларни — жами 3500 сўмлик буюмларни тезда ўмарилди. Шаҳар ИИБ

ЖҚБ оператив вакиллари милиция лейтенанти Шавкат Обидов ва терговчи милиция катта лейтенанти Нуриддин Чиниқуловнинг маҳорати ва тезкорлик билан ишлаши натижасида бу иш тезда очилди. Ҳабиб ШУКУР.

Қисқа сатрларда

САМАРҚАНД шаҳридаги 63-мактабнинг муаллимаси Тимофеева эмизиклик фарзандининг тўсатдан вафоти сабабини билолмай қарахт эди. Суд-тиббий экспертизаси ва тергов натижасида ушбу саволга жавоб топилди. Гўдакни онасининг ўзи уриб ўлдирган экан-а!

ТУНГИ соат тўртларда Калинин туманидаги «Дамачи» шўро хўжалигида яшовчи Бойтеновлар хонадонда ёғин чиқди. Фалокат бир зумда 100 кв. метрли ўй-жойни кулга айланттирди. Бешикдаги норасида «тилсиз ёв» чанғалида жон берди. 5000 сўмлик моддий зарарнинг ўрни қопланар-а, аммо боланингчи...

ШАҲРИСАБЗ шаҳрида иш ўринлари пулга сотилдиган бўлибди. Ишонмайсизми? Шундай бўлмаса, «Шаҳарсувканали» бошлиғи Рус-тамов қизини ишга жойлаштиришни илтимос қилган фуқаро Воҳиддан минг сўм олаётганда қўлга тушармиди!

ҚАШҚАДАРЕ вилоятининг Муборак тумани матлубот жамиятининг экспедиторни Саъдуллаев давлат нархи 9 сўмлик товۇқ гўштини 16 сўмдан пуллаётганида туман шўғидан илдинди. Шундай тақчил, талон маҳалида 400 килограмм товۇқ гўштини кўрқмасдан, бемалол пуллаётганига «қойил» қолиш керак.

ФАРҒОНА вилоятининг Бағдод туманидаги 6-қурлиш материаллари дўконидан темир қути ўғирланди. Унинг ичиде 10 минг сўм пул борлигини мудир биларди. Уғри қабқдан билдийкин!

И. МИНАВВАРОВ.

«ТОВУҚБОЗЛАР»

Танқис маҳсулотларни турнақатор навбатда туриб олгандан кўра ўз ҳовлисида етиштиришга аҳд қилган Со-диқ бир неча товۇқ олиб бо-қа бошлади. Кунига камида никитадан тухум олса ҳам ҳарнада. Инғилиб-инғилиб бирор бергандай эҳтиёжинга ярайди. Ҳозирги пайтда бозордан бир килограмм гўштан 50-70 сўмга сотиб олиб еб бўларканми?

Эрталаб товۇқларига доп берай, деб эшикни очган Со-диқнинг ранги оқариб кетди. Паррандаларни қайта-қайта санади. Уччаси йўқ. Бозорда товۇқларнинг нархи қанча, биласизми? Кунига эмас, соатига нарх-наволар ошаётган ҳозирги пайтда мен ҳам аниқ баҳосини айтолмайман. Ҳар ҳолда илгариги қўйнинг қийматида бўлса керак.

Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари ишга киришарканлар, аллақачон уларни гўшт бўлган, деб тахмин қилишганди. Товуқ ўғрилари эса 1981 йилда туғилган Иброҳим, Уткир, 1982 йилда туғилган Шокирлар бўлиб чиқди. Уи, ўн бир яшар бу гўдакларни баҳамжиҳат ўғирликка қўл уришга нима ундаган экан-а!

Товуқ гўшти ейиш ниста-гимми ёки пул топиш нияти-ми?

М. ИСРОИЛОВА.

ТАҚДИР

Уйнинг гапи кўчага тўғри келмайди, деб бежиз айтишмаган. Латофат узоқ йўлга кўп пул билан чиқишга чўчиганди. Ўғлига: «Сафарим қаришига яқин пул жўнатарсан»,— деганди.

Арчаманга етиб келгандаёқ ёнида бори — 100 сўм соб бўлди. Устига-устак санаторий ҳам ёқмади. Нойлож уйига қайтмоқчи бўлди.

Темирийул кассаси туйнугига яқинлашиб, қўлидаги зил-замбилдек жомадонини ерга қўйди. Чорсу бозоридан 185 сўмга олган рўмолини истиҳола билан кассир аёлга узатди.

— Синглим, Тошкентга кетишим керак. Аммо пулим тугаб қолувди. Шуни олсангизчи?

Кассир рўмолини обдон томоша қилди. Кейин:

— Қанча сўрайсиз?— деб сўради.

— 150 сўм.

— Жуда қиммат, 100 сўмга сотсангиз майли.

Латофат нима қиларини билмай қолди. Хўп деса, ўзим ўрайман деб олган буюми сувтекинга кетади, йўқ дейин деса...

Уйланиб турганида кимдир чақиргандай бўлди. Орқасига бурилиб қараса, бир аёл билан бир эркак.

— Синглим, мабодо тошкентлик эмасмисиз?— деб сўрашди.

— Ҳа, тошкентликман. Сағбон кўчасида турман.

— Омадимиз келганини қара!— деди эркак аёлга қараб ва яна Латофатга юзланди:

— Мусофирчиликда нималар бўлмайди дейсиз. Гапингизни эшитдим. Билетни ўзим олиб бераман сизга...

Учовлон сал нарига бориб ўтиришди.

Танишишди. Эркакнинг исми Йўлдош, хотинники эса Оқибат экан.

Йўлдош йўлда тамадди қилиб кетарсиз, деб яна 18 сўм берди.

— Раҳмат сизларга,— деди Латофат бу ғамхўрликдан кўнгли тўлиб.— Уйга етиб олсам, почта орқали жўнатиб юбораман.

Йўлдош эса бир неча сония каловланиб турди. Кейин хотини билан кўз уриштириб олди.

— Шарт эмас, синглим, мени бошқа илтимосим бор.

— Бемалол айтаверинг, Йўлдош ака.

— Сизларга қўшни маҳаллада онам туради. Мабодо уйдан тополмасангиз, қариялар уйда бўлиши мумкин. У ҳақда менга хабар берсангиз, бир умр миннатдор бўлардим.

— Вой, Йўлдош ака, бу илтимосингизни савоб учун ҳам қиламан. Лекин сиздай ўғли бор онанинг қариялар уйда бўлиши...

— Бунинг тарихи узоқ, синглим. Отанинг вафотидан кейин катта ҳовлида уч оила алоҳида-алоҳида яшай бошла-

дик. Энг юқорида ўғай онам, ўртада бир қориндан талашиб тушган ўз акам Тошбой ва қўйида онам билан мен.

Ҳарбий хизматчиман. Туркманистонда хизмат қиламан. Ойда 2-3 марта бориб, онам, хотиним, икки ўғил, икки қизимнинг камчиликларини тўғрилаб келаман.

Ҳар борганимда: «Ичимлик суви узоқ»,— деб хотиним минғирлайверди. Охири, акам, Тошбойнинг водопроводидан сув ўтказиб бердим. Ўз туғишган акамнинг бахиллигини қаранг, қувурни кесиб ташлабди. Бундай кўнгилсизлик уч марта такрорланди. Демак, менинг оилам бу ҳовлида ортиқчилигини сездим. Туркманистонга кўчириб келдим. Икки хонали уй беришди. Аммо бу ердаги цароит хотинимга ёқмади. Сира кўнкулмади. Қайтадан Тошкентга кўчиб кетди.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, хабар олиш учун мен ҳам бордим. Не кўз билан кўрайки, умид билан бир ёстиққа бош қўйган Каромат ўғай акам билан... ётган экан. Дунё кўзимга қоронғу бўлди. Болаларимни олдим бу ҳовлини елкамнинг чуқури кўрсин, деб Туркманистонга келдим. Бу ерда Оқибатга уйландим.

Аммо Каромат тарбия бермаган экан, катта ўғлим ёмон болаларга қўшилиб, ўғирлик қилди. Қамалиб кетди. Ҳозир уни кўриб келиш учун кетялмиз.

Ана шунақа гаплар, синглим. Лекин худо ҳаммасини кўриб, библи турган экан. Хиёнаткор ўғай акам дарди бедавога йўлиқиб, ўлиб кетди. Кароматнинг эса афсуси чексиз, барибир бефойда.

— Демак ҳовлида Тошбой акангиз қолибди-да?— сўради Латофат тасодифий суҳбатдан бутун вужуди музга айланиб.

Йўлдош эса «йўқ» маъносиде бош чайқаб, чуқур хўрсинди.

— Ҳовли унга ҳам буюрмади.

Акам қизи Аломатни кутакута пинакка кетибди. Ичкари хонадаги болалар ҳам аллақачон ухлаб қолишган. Бир пайт ўғилчаси додлаб қолибди. «Ада, ўғри!!!»

Акам отилиб кирса, хона ўртасида номазлум шарпа серрайиб турган экан. У акамнинг тошдек мушти зарбидан кесилган дарахтдек гурсиллаб йиқилди. Чироқни ёқиб қараса, ўн гулидан бир гули очилмаган ёшгина йигитча ўлиб ётарди.

Маълум бўлишича, дугонасиникига кетаётган Аломат «дон олишиб» юрган йигитини кечаси уйига тақлиф қилган. Ваъдага мувофиқ келган ошиқ қоронғуда Аломат деб ўйлаб, укасининг юзини пайпаслаб силаган экан.

Акам ҳам 12 йилга кесилиб кетган.

Холмуҳаммад МУЙДИНОВ.

Айни баҳор пайти эди. Эрта сахар автобусда шаҳарга кетаётган эдим. Олдинги ўриндиқда иккита аёл берилиб суҳбатлашиб кетаётганди. Улардан бири ойнадан қараб, ҳамроҳига сўз қотди: — Қўшни, ануви қизини кўряпсизми?

Мен ҳам беихтиёр ойнадан ташқарига қарадим. Сочларини майда қилиб ўриб олган 12 ёшлар чамасидаги қизча кўча эшиги олдини сулурарди.

— Ҳа, нима эди?

— Ўзи чиройли, меҳнатсевару бироқ касалда.

— Вой, нималар деяпсиз?

У қудамнинг қизи бўлади. Ҳечам касал эмас. Бу гапни бир гапирдингиз, иккинчи

эшитмайин. Яхши эмас капкакта хотин бировнинг гулдек фарзанди орқасидан билиб-билмай сўзлайвериш. — Вой-бў, шунга шунчам.

КИМСАНИ РАНЖИТМА

У шундай дея юзини терс буриб олди.

Орадан йиллар ўтди. Кексаликми, билмадим, маҳалламизда Халил ота, Раҳбар опаларни тез-тез товлари қочиб турарди. Шу сабаб улар биттаю битта тирноқлари Одилжонга ўзлари

танлаб, шифокор қизини олиб беришди. Бу ўша, ҳар эрта сахар кўча эшиги олдини супурадиган қиз эди.

Бир куни кечки пайт ишдан қайтаётгандим. Бола кўтарган ёш жувон, унинг ёнида кексароқ аёл келар эди. Рўпарамга келгач, онахон менга мурожаат қилди:




— Амаки, шу яқин ўртада болалар врач бор, деб эшитдим. Уйини кўрсатиб юбормайсизми?

— Ҳув, ануви кўк эшклик уй.

Мен уларнинг ортидан қараб ўйга чўмиб қолдим.

Бу ўша ўйламай гапириб, ҳамроҳини ранжитган аёл эди. Маҳкам ҲАКИМОВ.

Ғолиблар аниқланди



Тошкентда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида биринчи халқаро турнир ўтказилишини эшитган ишқибозларнинг қувончининг таърифлашга сўз ожизлик қилади. Ахир, Тошкент шундай ва ундан ҳам нуфузли мусобақаларни ўтказишга қодир шаҳар. Фақат марказнинг бир ёқлама сибсати туфайли бизнинг шаҳарларимиз доимо эътибордан четда қолиб кетарди. Шундай бўлишига қарамасдан жумҳуриятимизда спортга, жумладан боксга эътибор катта.

— Нега энди айнан Тошкент шаҳрини танлашди, — деб сўраймиз учрашув ҳомийларидан бири Алишер Каримовдан.

Олдинлари турнирни Тбилисда ўтказиш анъанага айланиб қолганди. Бу йил гуржилар Москва билан алоқани узинди. Шу сабабдан Марказ бу сафар Тошкентда ўтказилишига розилик берди.

Турнир маросими санъат усталарининг қуйлари билан бошланган бўлса, ёш чармқўқоччиларнинг кескин «жанг»лари билан тугади.

Турнирда тўртта мамлакат: Швеция, Польша, Мўғилистон, руминиялик боксчилар ҳам қатнашишди.

Шундай қилиб ҳамюртларимиз ҳисобида 8 та; тўртта олтин, битта кумуш ва учта бронза медал бор. Энг кўп РСФСР терма командаси (4-6-9) медаллар шодасини қўлга киритди.

Турнирнинг «Энг зўр боксчиси» деб Василий Жиров (Қозоғистон) тан олинди. «Ғалабага бўлган зўр иродаси учун» соврини билан Комил Шукуров (Ўзбекистон), Андрей Корневлар (Украина) тақдирланишди.

М. АБДУЛЛАЕВ.
СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.
Суратларни Даврон АҲМАД олган.

ҚИДИРИЛМОҚДА


Ички ишлар идоралари томонидан 1964 йил 8 августда Яккабоғ тумани Коммунизм жамоа хўжалигининг Қўтонбой қишлоғида туғилган, айни пайтда Яккабоғ посёлкасининг Гулистон кўчасидаги 34-уйда яшайдиган Муяссар Абдуназаровна Хидирова қидирилмоқда.

У 1991 йил 29 август кунини кеч соат 8 ларда бир яшар Мирза исмли фарзанди билан уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Уст-боши: эгнида оқ гулли қизил халат, оёғида қизил рангли шиппак, бошида сариқ рангли рўмоли бор эди.

Алоҳида белгилари: пешонасида —ўнг қошининг устида иккита (бири кичик, иккинчиси йирик) холи, бўйнида ва чап қўлнинг мускудида куйишдан қолган асорат — чандиқ бор.

Муяссар Хидирова ҳақида бирон-бир маълумотга эга бўлган фуқаролардан бу тўғрида энг яқин милиция бўлимларига «02» рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.



МЕҲНАТИГА ЯРАША

Олмалиқ шаҳар ИИБ ЖҚБ ходими милиция лейтенанти А. Шоғубанов ва ДАН бўлиммаси инспектори милиция кичик сержанти А. Содиқовларнинг бўлим ходимлари ўртасида обрўси катта. Чунки улар жиноятни очнида моҳирлиги, тезкорлиги билан ўзгалардан фарқ қилади.

10 июль ва 2 август кунлари олибқочилган автоуловларни топишда ҳам ҳар иккисининг хизмати катта бўлди.

Ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашганлари учун ҳам улар вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди.

М. МИРСОВУРОВ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатяи кўчаси, 1.
Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси.
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир—54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
муҳбирлар бўлими — 59-26-56,
умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан
26078 нусхада чоп этилди.